

Университетда таълим оляпсизми? Йил талабаси бўлмоқчимисиз? Унда “Йил талабаси-2020” Республика танлови сари олга!

Танлов босқичлари пандемия даври талабларидан келиб чиққан ҳолда, масофавий (онлайн) ўтказилади.

**Танлов қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:**

- ☛ “Йилнинг ўз мутахассислиги бўйича энг билимдон талабаси”
- ☛ “Йилнинг энг фаол ташаббускор-тарғиботчи талабаси”;
- ☛ “Йилнинг энг фаол ихтирочи-инноватор талабаси”;
- ☛ “Йилнинг энг фаол спортчи талабаси”;
- ☛ “Йилнинг энг фаол ижодкор талабаси”;
- ☛ “Йилнинг энг фаол блогер талабаси”;
- ☛ “Йилнинг энг намунали тадбиркор талабаси” .

Танловнинг биринчи босқичи факультет (октябрь ойининг 1 чорагида), иккинчи босқичи эса университет кесимида (октябрь ойининг 2 чорагида) ўтказилади. Университетда ғолиб бўлган талабалар Республика (декабрь) босқичида беллашади.

▣ Танловнинг Республика босқичида ҳар бир номинациялар бўйича 1, 2 ва 3-ўрин совриндорлари бўлган иштирокчилар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг тегишли даражадаги дипломлари билан тақдирланадилар.

🏆 1-ўрин соҳибига энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдорида, 2-ўрин соҳибига энг кам иш ҳақининг 8 баробари миқдорида ва 3-ўрин соҳибига энг кам иш ҳақининг 5 баробари миқдорида пул мукофоти бериш тизими жорий этилади.

Танлов учун қуйидаги ҳужжатларни факультетингиздаги деканатга тақдим этишингиз сўралади:

1. Танлов иштирокчисининг қобилияти, фанларни ўзлаштириш даражаси, етакчилик қобилияти, эришган ютуқлари, дарсларда фаол иштироки, талабаларга ўрнак бўладиган жиҳатлари ва жамоат ишлардаги фаолияти ҳақида маълумотлар, баён этилган икки бетдан ошмайдиган ҳажмдаги тақдимнома;
2. Баҳоларни қайд этиш варақалари, талабанинг баҳоларни ўзлаштириш синов дафтарчаси нусхалари;
3. Илмий, илмий-услубий, ижодий ишлари, уларга тегишли мутахассислардан олинган тақризлари;
4. Фахрий ёрлиқлар ва дипломлар (нусхаси);
5. Грантларда иштирок этганлиги тўғрисида маълумотнома, грантнинг номи, молиялаштириш ҳажми, иштирокнинг шакли ва даражаси;
6. Конференцияларда иштироки ҳақида маълумотлар, илмий ишлар рўйхати ва илмий ишлар рўйхати ва илмий ишлар нусхалари
7. Ҳужжатлар тўпламига киритилган материаллар ва ахборотлар жорий йил давомида чоп этилган бўлиши керак.